

Муаллиф:

14.10.2013 17:53 - Янгиланди 14.10.2013 18:02

Ўзбек хонликлари солик сиёсатида шариат талабларига тўла риоя этилган деб бўлмайди. Закот, ушр, фитр садакаси каби тўловлар, баъзи мутахассислар таъкидлаганидек, солик бўлмай, балки банданинг молий ибодатлари саналади. Конлардан, хазинадан, харбий ўлжалардан давлат хазинасига хумс (бешдан бири) берилган.

Хирож эса ўрта асрлардан буён ер солиги сифатида олиб келинган. Бу соликни ундиришда ягона катъий тартиб бўлмаган. Хирож солигининг микдорини давлат бошлиги белгилаб берган. У тайёр маҳсулот ёки унинг кийматига тенг пул шаклида ундирилган. Жизя солиги мусулмон бўлмаган фукаролар, яъни, зиммийлардан ундирилган. Жизя солигини вояга етган эркак зиммийлар тўлашган.

Бухоро хонлигига шайбонийлардан кейин давлат тепасига келган аштархонийлар даврида хам мамлакатни, давлат хазинасини бойитиш учун соликларнинг тури ва микдори оширилган. Жумладан, хирож, ихрожот, бож каби соликлар каторида хар хил кичик ва катта соликлар хам бўлган. Айникса, Субхоникулихон таҳтга келганида соликларнинг тури кўпайди. Унинг даврида етти йиллик соликларни олдиндан, бир йилда йигиш бўйича маҳсус фармон эълон килинди. Хоннинг бундай карори ахолини кийин ахволга солиб кўиди, янада кашшоклашувига сабаб бўлди. Чунки мамлакатда асосий солик тўловчилар дехконлар, хунарманддар, савдогару чорвадорлар бўлишган. Ахоли солик тўлашдан ташкари мамлакатда ўюстириладиган турли тадбирларга, мажбурий ишларга жалб килинган, кўшимча жарималар хам солинган.

Бухоро хонлигига хам, бошка жойларда бўлгани каби, хон марҳамат кўрсатганлар ва етакчи дин пешволари хамда хон имтиёз берган шахслар барча соликлардан озод килинган.

Холиков А. “Чирокчи беклигининг Бухоро амирлиги сиёсий-иктисодий хаётида тутган ўрни” (XIII-XX аср бошлари). Тарих, мустакиллик, миллий гоя. (Республика илмий-назарий анжумани материаллари), Т., 2001, 198-бет.

Хива хонлигига эса бож, жизя каби соликлар каторида салгут, агут, милтиқ пули, тарози пули, дарвозабон пули, мушрифона каби йигирмадан ортиқ солик ва йигимлар хам тўланган. Бундан ташкари ахоли турли мажбуриятларни бажариши лозим бўлган.

Масалан, мулкдорлар маъмуриятини бокиш, харбийларнинг вактинча тўхташида уларнинг озик-овкати ва бошка харажатлари учун йигиладиган йигимлар, сув таъминоти билан боглик мажбуриятлар шулар жумласидандир.

XIX аср бошларида давлатни бошкарган Эл-тузар солик бўйича ислохотлар ўтказди.

Мамлакатда ахолидан ер солиги ундирилди. Бу солик хусусий ер эгаларидан ер майдонига караб олинган. Ери бўлмаган дехконлар ховлиси хисобидан тўлашган.

Хонликда солик бўйича имтиёзга эга

бўлганлар табакасига катта амалдорлар, хонга якин кишилар, дин арбоблари, сарой хизматчилари, навкарлар киришган.

Кўкон хонлигига хам давлат хазинаси учун, мамлакатнинг эҳтиёжи учун солик ундириш тизими шакллантирилган эди. Бухоро ва Хива хонликларига нисбатан Кўкон хонлигига соликларнинг тури кўпроқ бўлган. Моллар ва хайвонлардан олинадиган, тўйлардан олинадиган солик, меросларни бўлишда тушадиган солик, дўконлар, карвонсаройлар,

Муаллиф:

14.10.2013 17:53 - Янгиланди 14.10.2013 18:02

омборхоналардан олинадиган солик, дарё кечувларидан ўтиш солиги, туз солиги, хонга карашли бўлган ижарага берилган ерлардан олинадиган соликлар ва хоказо... Хонликда соликгарнинг микдори хоннинг ихтиёри билан тез ўзгариб турган. Айникса, харбий харакатлар пайтида соликларнинг тури ва микдори янада кўпайган.

Ўзбек хонликларида солик йигишда бекликларнинг хизмати катта бўлган. Жумладан, Бухоро амирларига карашли бўлган Чирокчи беклигига аворизот (фавкулодда холатларда йигиладиган харбий солик), корачерик (Бухоро амирлиги кўшинларини бокиш учун бериладиган солик), яксара (кўш пули; кўш хўкизи борлардан йигилган), чўп пули, харбуз пули (лалмикор ерларга экиладиган тарвузлардан олинган), мухронা (кози, муфти, раис ва бошка хукмдорларнинг муҳри учун солик), хизматона (козиларга, бекларга берилган тўлов) васика пули ва бошка солик турлари хам бўлган.

XVI-XIX асрлар оралишда хонлик ва амирлик-ларнинг солик сиёсатида хукумат белгилаган тартибларга риоя килишда шариат коидаларидан узоклашиш кўзга ташланади. Соликтарнинг белгиланиши, ундирилиши, сарфланиши жихатидан хам шариат талабларидан чекинилган. Жумладан, йўл, кўприк, мадади лашкар, кўналга, бож ва бошка соликлар хамда йигимлар шариатда кўрсатилмаган соликлардан хисобланади.

Хонликлардаги низолар-келишмовчиликлар хам ахолининг моддий жихатдан янада кийналишига олиб келар эди. Бунинг устига, янги солик турлари кўпаяверган. Масалан, хатто боғлар, бедазорлар, сув тизимида каровчи мироблар учун (миробона), полиз экинлари учун хам алохида (танобона) соликлар белгиланган.

Ўзбек хонликларида йигилган соликлар шариатнинг асосий манбаи Куръони каримда кўрсатилганларга эмас, хон томонидан белгиланган жойларга унинг фармони билан юборилган. Хонликларда солик ундириш, унинг турлари ва микдорини белгилаш, уларни таксимлашда шариат талабларига риоя килиш ўрнига, хар бир хонликда турлича тартиблар жорий килинган. Чунки кўшин тъминоти, сарой харажатлари, амалдорларга бериладиган маошлар ва бошка харажатлар асосан мамлакат худудларидан йигиладиган соликлар хисобидан бўлган.

Нормурод АВАЗОВ,
Тошкент Давлат юридик институты докторанти